

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ**

**М.БЕХБУДИЙ НОМЛИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ
ПЕДАГОГЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
ВПКҚТМОИ ректори
_____ А.Аминов

**Бакаев А.
Атамурадов У.**

**“Иқтисодий билим асослари” фанидан барча
тингловчиларнинг билимларини
такомиллаштириш бўйича тайёрланган
маъруза матнига мулжалланган
ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА**



Самарқанд – 2010

Тузувчи: *А.Бакаев* - Самарқанд ВПКҚТМОИ
и.ф.н.. доцент (1,3 мавзулар)

У.Атамурадов - Самарқанд ВПКҚТМОИ ўқитувчиси
(2 мавзу)

Такризчилар: *С.Алиқулов* – СамДУ иқтисодиёт факультети
и.ф.н., доценти

К.Ҳайдаров - Самарқанд ВПКҚТМОИ
проректори, ф.ф.н., доцент

Маъруза матни Ижтимоий фанлар
ва маънавият асослари кафедрасининг
2010 йил _____ ойидаги _____-сонли
қарори билан тасдиқланган

«Иқтисодий билим асослари» фани бўйича

давлат талаблари:

Иқтисодий билим асослари бўйича тингловчилар:

- иқтисодий тизимлар;
- бозор иқтисодиёти ва унинг режали иқтисоддан афзаллиги;
- эҳтиёж ва ресурслар;
- ишлаб чиқариш;
- талаб ва таклиф;
- мулк, мулкчилик формалари;
- давлат мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт;
- менежмент ва маркетинг;
- тадбиркорлик ва кичик бизнес;
- иқтисодиётни эркинлаштириш;
- солиқлар, бюджетни шакллантириш;
- банк ва молия тизими;
- кредит ва кредит турлари;
- инвестиция;
- экспорт, импорт;
- пул, пул эмиссияси, инфляция;
- нархлар;
- монополия;
- антимонопол сиёсати;
- аграр муносабатлар;
- аҳоли даромадлари, давлатнинг ижтимоий сиёсати;
- жаҳон иқтисодиёти ҳақидаги билим ва тушунчаларга эга бўлишлари керак.

**Иқтисодий билим асослари фани ўқитувчиларининг малака
ошириш курси бўйича давлат талаблари асосида
тузилган ўқув-мавзуйий режаси**

№	Мавзулар	Маъруза	Амалиёт	Жами соатлар
1.	Иқтисодий тизимлар. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Давлат мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт. Жаҳон иқтисодиёти.	2		2
2	Эҳтиёж ва ресурслари. Ишлаб чиқариш. Менежмент ва маркетингнинг ривожланиши. Иқтисодиётнинг эркинлаштириш. Экспорт ва импорт сиёсати. Монополиялар ва антимонополи сиёсат. Аграр сиёсати.	2		2
3	Ўзбекистоннинг банк ва молия тизими. Бюджет ва бюджетни шакллантириш. Солиқ тизими. Кредит ва инвестициялар. Мустақиллик йилларида йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг одимлари.	2		2
	Жами	6		6

**1. Мавзу: Иқтисодий тизимлар. Ўзбекистонда бозор
муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Давлат
хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт.
Жаҳон иқтисодиёти**

2 соат маъруза

Ташкилий қисм 3 дақ.

Саломлашиш, ўқув хонасини кўриниши, санитария-гигиена ҳолатини кўриб чиқиш, давоматни аниқлаш, тингловчиларнинг машғулотга руҳан тайёр бўлиш, уларнинг диққат-эътиборини машғулотга жалб қилиш, машғулотга жалб қилиш, машғулотни белгиланган талаблар асосида ташкил этишга киришиш.

Машғулотга тайёргарлик босқичи (5 дақ.)

Тингловчиларни янги мавзуга доир масалалар бўйича савол-жавоблар орқали синовдан ўтказиш. Бунинг учун тингловчиларга қуйидаги саволлари берилади:

1. Жамият тараққиёти неча босқичдан иборат бўлиб, ўрганишни тавсия этилади?

2. Иқтисодий тизимни маъноси нимадан иборат?

3. Дунёдаги ривожланган мамлакатлар иқтисодий тизимнинг қанақа кўринишга киритилади:

а) ананавий иқтисодиёт;

б) маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти;

в) бозор иқтисодиёти тизими.

4. Бозор иқтисодиёти тизими нечта босқичдан иборат?

а) эркин рақобатга асосланган классик бозор иқтисодиётидир.

б) ҳрзирги замон ривожланган бозор иқтисодиётидир (аралаш иқтисодиёт тизими), (мулкчиликка давлатнинг улуши йилдан йилга ошиб борапти).

Кутиладиган натижа:

Тингловчиларни ижодий фаолиятларини такомиллаштириш, мустақил фикрлаш қобилиятларини янада ўстириш.

Энг муҳими тингловчилар қўйилган саволларни мазмунини ва муҳим талабларни англаши, билиши, ҳамда ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётнинг ривожланишининг аҳамияти бошқа соҳаларга ва айниқса таълим тизимини ривожлантиришга таъсири, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш ва ҳ.к.

Машғулот тури:

Ноанъанавий, савол-жавоблар, кичик гуруҳларда ишлаш ва фикр мулоҳазаларини эркин баён этиш.

Таълим методи:

Суҳбат, савол-жавоб, услубида.

Жиҳозлар:

Маъруза матни, дарснинг технологик харитаси, дарс ишланмаси, мавзуга доир тестлар.

Машғулот қоидаларини эълон қилиш ва кичик гуруҳларга бўлиш. (ҳар бири 5-6 нафардан), вақти чегараланган (3-4 дақ).

Машғулот қоидаларини қуйидагилардан иборат.

1. Эркин фикр юритиш;

2. Ўзаро ҳурмат;

3. Бировни танқид қилмаслик;

4. Хушчақчақ, самимий муҳит;

5. Бошқаларни гапини бўлмаслик;

6. Фаоллик кўрсатиш;

7. Ишчан муҳит;
8. Ўз фикрини лўнда, қисқа баён этиш

Ижобий натижага эришиш шартлари:

Бир тизимлик, кетма-кетга риоя қилиш, тингловчиларни машғулотга қизиқтира олиш.

Янги мавзу режаси билан танишиш 2 дақ.

Янги мавзу: “Иқтисодий тизимлар. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Давлат хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт. Жаҳон иқтисодиёти” ни эълон қилиш ва зарурият туғулса аудитория доскасига ёзиб қўйиш.

Асосий тушунчалар: молиянинг моҳияти ва вазифалари, давлат бюджети, солиқ ва солиқ тизими, даромад солиқлари, банк тизими, марказий ва тижорат банклари.

Мавзу режаси билан таништириш:

1. Ижтимоий тараққиёт босқичлари ва иқтисодий тизимлар.
2. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.
3. Давлат мулкани хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт.
4. Жаҳон иқтисодиёти ва Ўзбекистон.

Таянч тушунчалар:

Жамият тараққиётининг уч босқичга бўлиши:

1. индустриаллашган давргача бўлган жамият;
2. индустриаллашган жамият;
3. юқори индустриаллашган ёки ахборотлашган жамият;

Иқтисодий тизимни маъноси. иқтисодий тизимнинг уч кўриниши:

- ананавий иқтисодиёт;
- маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти;
- бозор иқтисодиётининг тизими.

Янги мавзу баёни:

Ҳар қайси фаннинг ўзига хос қонун-қоидалари мавжуд, шу жумладан иқтисодиётнинг ҳам ўзининг қонун-қоидаларини билиш учун, энг аввало, **иқтисодиётнинг ўзи нима, унинг вазифалари нималардан иборат**, деган саволларга жавоб бериш лозимдир.

Инсоният ҳаёти ва унинг тараққиёти жуда **мураккаб**, кўп қиррали ва ғоят чигал муаммоларга бойдир. Бу муаммолар

кишиларнинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, фан, маданият, сиёсат, мафкура, ахлоқ, давлатнинг бошқариш соҳаларидаги, шунингдек, оиладаги ва бошқа фаолият турларининг борган сари кўпайиб, ривожланиб ҳамда уларнинг ўзгариб бориши натижасида вужудга келади.

Кишилар яшашлари учун ҳамиша ҳаётий неъматлардан истеъмол қилишлари, кийинишлари керак. Эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган **пул даромадларини қаердан**, нима ҳисобига топиш керак деган **муаммога** дуч келади. Шу муаммоларни ечиш ва ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида кишилар турли йўналишларда, соҳаларда фаолият кўрсатадилар. Демак, инсоннинг турли **фаолият ичида энг асосийси, уларнинг яшаши, камол топишини таъминлайдиган моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатишдан иборат бўлган иқтисодий фаолиятдир.**

Истеъмол товарлари ва хизмат кўрсатиш соҳалари турли-туман бўлганлиги сабабли иқтисодий фаолият ҳам турличадир, уларнинг тури ва сони жуда кўпдир.

Чекланган иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланиб, кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётий воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятларни яхлит қилиб бирлаштирувчи иқтисодий тизим бир сўз билан *иқтисодиёт* деб аталади.

Қадимда иқтисодий фаолиятнинг асосий шакли уй хўжалиги доирасида рўй берган. Шунинг учун иқтисодиёт деганда уй хўжалиги ва унинг юритиш қонунлари тушунилган. Лекин ҳозирги даврда жуда мураккаб организм ҳисобланади ва ўз ичига қуйидагиларни жамлайди: 1) уй, якка хўжаликлар; 2) йирик хусусий хўжаликлар; 3) жамоа, ҳиссадорлик жамиятлари; 4) давлат хўжаликлари; 5) молия ва банк тизимлари; 6) хўжаликлараро, давлатлараро бирлашмалар; 7) корпорациялар, концернлар; 8) қўшма корхоналар; 9) давлатлараро турли иқтисодий муносабатлардан иборат.

Иқтисодчилар ҳозирги пайтда иқтисодиётга шундай таъриф берадилар: *Иқтисодиёт*—бу шундай хўжалик тизимики, у зарур ҳаётий неъматларни яратиш йўли билан одамлар ва жамият эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайди.

Бунинг устига барча ресурсларимиз—пул маблағлари, табиий бойликлар, малакали ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол товарлари ҳаммаси чекланган миқдордадир. Мана шу чекланган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиб, аҳолининг тўхтовсиз ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, мақсадига эришиш, ресурслар ва маҳсулотларни тўғри тақсимлаш йўллари топиш иқтисодиётнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқаришнинг амалга ошиши, энг аввало, унинг рўй бериши учун бу жараёнда қатнашадиган омилларнинг мавжуд бўлмоғи лозим. Иқтисодиёт тизими, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳалари учун умумий бўлган учта омил: **ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари** бўлиши шарт.

Ишлаб чиқариш жараёни—бу кишиларнинг истеъмоли учун зарур бўлган моддий ва маънавий неъматларни яратишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятдир.

Ишлаб чиқариш жараёни инсоният тараққиётининг ҳамма босқичларига, ҳамма мамлакатларга, эл-юртларга ва халқларга хос бўлиб, умуминсоний категориядир (тушунчадир).

Ишлаб чиқаришнинг энг йирик соҳалари **саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш, савдо, тайёрлов идоралари, моддий-техника таъминоти, коммунал ва уй-жой хўжаликлари**, турли хил хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқалардан иборат.

Ижтимоий ишлаб чиқариш ўзаро боғланган ва алоқада бўлган барча индивидуал ишлаб чиқаришларнинг йиғиндисидир. Ижтимоий ишлаб чиқариш, яъни турли омилларнинг ҳаракати натижасида жуда кўп турдаги товарлар ва хизматлар массасидан иборат бўлган миллий (ялпи) маҳсулот вужудга келади. **Ялпи миллий** (ички) маҳсулот бу—маълум вақт давомида (чорак, ярим йил, бир йил) яратилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб етадиган барча тайёр маҳсулот ва кўрсатилган хизматларнинг бозор баҳосидаги қиймати.

Зарурий ва қўшимча маҳсулот. Зарурий маҳсулот (V) деб ишчи ва хизматчилар иш вақтининг бир қисми бўлган зарурий иш вақтида яратилган ишчи кучи нормал ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулотга айтилади.

$$\frac{V=4 \text{ соат}}{\text{Иш куни } 8 \text{ соат}} \quad m=4 \text{ соат}$$

Зарурий маҳсулот соф миллий (ички) маҳсулотнинг муҳим қисми бўлиб, бевосита ишчи ва хизматчиларга тегишлидир. **Соф маҳсулотнинг** зарурий маҳсулотдан ортиқча қисми, яъни қўшимча иш вақтида яратилган қисми қўшимча маҳсулот дейилади.

Бу қўшимча маҳсулот (m) (фойда) тадбиркорларга ва мулкдорларга ҳам давлатга тегишлидир.

$$T=V+M$$

$$\text{Қўшимча маҳсулот нормаси}—m' \quad m'=m/v*100\%$$

Инсоният тараққиёти босқичларива ҳар бир босқичга хос бўлган иқтисодий тизимларни ўрганиш – иқтисодий жараёнларни, уларни ўзгарувчан эканлигини билишда муҳим аҳамиятга эга. Фан-техника, технология ва ахборот тизимидаги узгаришларга қараб купчилик олимлар, масалан Р.Арон, Дж.Голбрейт, У.Ростоу ва бошқалар жамият тараққиётини уч босқичга бўлиб ўрганишни тавсия этадилар:

I-босқич. Индустрлашган давргача бўлган жамият.

Бу жамиятнинг асосий белгилари:

- 1) аҳолининг асосан қишлоқ, хўжалиги билан бандлиги;
- 2) қўл меҳнатининг ҳукмронлиги;
- 3) меҳнат тақсмотининг жуда саёзлиги (деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, савдо, бошқарув ва бошқалар);
- 4) натурал хўжалигининг ҳукмронлиги.

II -босқич. Индустрлашган жамият. Жамият тараққиётининг муҳим боқичи.

Бу жамиятнинг асосий белгилари:

- 1) ишлаб чиқаришнинг машиналашганлиги;
- 2) саноатнинг фан-техника ютуқлари асосида ривожланиши, унда ишлаб ишлаб чиқаришда ишчилар сонининг кўпайиши;
- 3) шаҳар аҳолисининг қишлоқ, аҳолисига қараганда кўпайиши ва бошқалар.

III-босқич. Юқори индустрлашган ёки ахборотлашган жамият.

Бу жамиятнинг асосий белгилари:

- 1) ишлаб чиқаришнинг юқори машиналашгани автоматлашгани, роботлашгани ва ҳаказолар;
- 2) хизмат кўрсатиш соҳасининг юксак даражада ривожланиши;
- 3) аҳолининг асосий қисми (60-70%) шу соҳада банд бўлиши;
- 4) фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши, фан ходимларининг ва малакали мутахассислар ролининг ошиши;
- 5) иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ва кундалик ҳаётда ахборот ва ҳисоблаш техникаларининг кенг қўлланиши;
- 6) товарлар ва хизматлар сифатига путур етказмасдан иқтисодий ресурсларнинг ҳамма турларини тежаш имконини берадиган янги техника ва технологияларнинг кенг қўлланилиши ва бошқалар.

Техника ва технологиядаги ўзгаришлар жамият тараққиётида асосий ролни ўйнайди ва ташкилий, бошқарув тизимларининг, ишчи-хизматчилар таркибининг ўзгаришига, меҳнат унумдорлигининг ўсишига олиб келади. Лекин бу техник ўзгаришларга қараб бир томонлама ёндашув билан жамият тараққиёти қонунларини аниқлаб бўлмайди. Айниқса, иқтисодий тизимлар ва уларнинг хусусиятини билишда ҳам техник, ҳам ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни биргаликда олиб уларнинг ўзаро бир-бирига таъсирини ва шу диалектик алоқадорлик ҳамда таъсир натижасида содир бўладиган тараққиёт қонунларини ўрганиш зарурдир.

Техника тараққиётининг ҳамма босқичлари, хусусан, оддий кооперация, мануфактура, машиналашган, яъни индустрлашган ишлаб чиқариш, юқори даражадаги индустрлаш, ахборотлашган жамият босқичлари кейинги 250-300 йилга, товар ҳўжалиги ривож топган даврга туғри келади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда кўпгина иқтисодчилар жамият тараққиёти босқичларини иқтисодий тизимларга бўлиб ўрганадилар.

Иқтисодий тизимни маъноси нимадан иборат?

Ҳар бир даврда ва маконда амал қилаётган иқтисодий муносабатлар мажмуаси - иқтисодиётни ташкил қилиш шакллари, ҳўжалик механизми ва иқтисодий муассасалар билан биргаликда иқтисодий тизимни ташкил этади.

Иқтисодий назарияда кўпинча иқтисодий тизим тушунчасини ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши даражаси

билан боғлаб туркумлашга ҳаракат қилинади. Шу асосда дунёдаги ривожланган мамлакатлар иқтисодий тизимнинг уч кўринишига киритилади.

1) **Анъанавий иқтисодиёт** - деярли ҳамма мамлакатлар босиб ўтган тарихий тизимдир. У ҳозирги даврда ҳам кўплаб иқтисодий жихатдан кам ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, уларда урф одатлар, удумларга, анъаналарга асосланган иқтисодий жараёнлар амал қилади. Уларда натурал ёки майда товар хўжалиги ҳукумрон бўлади. Техника тараққиёти ва янгиликларни жорий қилиш кескин чекланган, чунки улар анъаналар билан зиддиятли ҳисобланади ва ижтимоий тузум барқарорлигига хавф туғдиради.

2) **Маъмурий буйруқбозлик иқтисодиёти.**

Бу тизим амалда барча моддий ресурсларга ижтимоий, аниқроғи, давлат мулкчилигининг ҳукумронлиги ва маъмурий органлар томонидан иқтисодий қарорларнинг марказлашган тартибда қабул қилиниши билан тавсифланади. Фойдаланадиган ресурсларнинг ҳажми, маҳсулотнинг таркиби ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш кабиларга тегишли барча муҳим қарорлар марказий бошқариш органлари томонидан қабул қилинади.

3) **Бозор иқтисодиёти тизими** - иқтисодий тараққиётда муҳим босқич ҳисобланган тизимдир. Бу тизим асосан икки босқичга эгадир:

а) эркин рақобатга асосланган классик бозор иқтисодиётидир (соф капитализм деб ҳам юритилади);

б) ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиётидир (аралаш иқтисодиёт тизими деб ҳам юритилади).

А) **Эркин рақобатга асосан бозор иқтисодиёти** ресурсларга хусусий мулкчилик, иқтисодий фаолиятда ва тадбиркорликда эркинлик, иқтисодий жараёнларни тартиблашда ва уйғунлаштиришда бозор механизмидан фойдаланиш билан тавсифланади. Бундай тизимда унинг ҳар бир қатнашчисининг хулқ-атвори шахсий манфаатига асосланади, ҳар бир иқтисодий бирлик алоҳида қабул қилинган қарорлар асосида ўзларининг даромадларини энг юқори даражада етказишга интилади.

Б) **Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти** - реал ҳаётда бозор иқтисодиёти соф бозор механизми ва режали иқтисодиёт унсурларини мужассамлаштиради. Мулкчиликни ҳар хил

шакллари, тадбиркорлининг турли йўналишлари мавжуд бўлади, унда режалаштириш, истиқболни белгилаш, аҳолини социал ҳимоялаш кучаяди. Масалан, АҚШ, Япония, Европа мамлакатлари иқтисодиётларини ҳозирги даврда олдинги эркин бозор иқтисодидан сезиларли фарқ қилади. Бу фарқлар қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, мулкни бир қисми давлат қўлида бўлиб, у иқтисодиётда фаол рол уйнайди. Бу иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ўсиши учун шароит яратишда, бозор тизими етарли даражада ишлаб чиқармайдиган ёки умуман етказиб бермайдиган айрим товарлар ва хизматлар билан таъминлашда, даромадлар тақсимланишини ўзгартиришда ва шу кабиларда намоён бўлади.

Иккинчидан, соф капитализмдан фарқ, қилиб, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида йирик корпорациялар ва кучли касба уюшмалари шаклидаги қудратли иқтисодий ташкилотлар мавжуд.

Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти дунёнинг кўпчилик мамлакатлари учун хос бўлиб, у турли мамлакатларда ҳар қил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан амал қилмоқда ва ривожланмоқда. Бу иқтисодиётнинг амал қилиш механизми кўплаб асрлар давомида таркиб топиб, шаклланиб, ҳозирги даврда маданийлашган шаклни касб этди ва кўпгина мамлакатларда ҳукмрон иқтисодий тизимга айланди.

Ривожлантирувчи вазифа: Ўтилган мавзунини мустаҳкамлаш ҳамда олган билимларини амалиётда қўллаш.

2. Мавзу: "Эҳтиёж ресурслар. Ишлаб чиқариш . менежмент ва маркетингни ривожлантириш. Иқтисодиётни эркинлаштириш. Экспорт ва импорт сиёсати. Монополиялар ва антимонопол сиёсат . Аграр сиёсат ".

Ташкилий қисм: (3 дақиқа)

Саломлашиш, ўқув хонасининг кўриниши, санитария-гигиена ҳолатини кўриб чиқиш, даволатни аниқлаш, тингловчиларнинг машғулотга руҳан тайёр бўлиши, уларнинг диққат эътиборини машғулотга жалб қилиш, унда белгиланган талаблар асосида ташкил этишга киришиш.

Машғулотга тайёргарлик босқичи : (5 дақиқа)

Тингловчиларни юқорида зикр этилган мавзуга доир масалалар бўйича савол-жавоблар орқали синовдан ўтказиш. Бунинг учун тингловчиларга қуйидаги саволлар берилади:

1. Эҳтиёж тушунчаси
- а – Моддий эҳтиёжлар
- б-- Маънавий эҳтиёжлар ҳамда уларнинг вазифалари ни тушунасиз?

2. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари нималардан иборат

- Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари
- **моддий ва номоддий ишлаб**

Инсоният истеъмол қилмаса яшай олмаганидек, ишлаб чиқармасдан ҳам тура олмайди. Шунинг учун инсоният тараққиётининг ҳамма босқичларида ва барча замонларда, барча мамлакатларда инсон ҳаётининг асосини моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ташкил этади. Лекин минг афсуслар бўлсинки, кўпгина иқтисодиёт назарияси китобларида, айниқса кейинги вақтларда нашрдан чиққан дарслик ва ўқув қўлланмаларида ишлаб чиқариш жараёнини ёритиш эътибордан четда қолиб кетмоқда

3. Менежмент ва маркетингни ривожлантириш моҳияти, манбалари ва вазифаларини нимани белгилайди?

Менежмент бу бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув системасини амалга ошириш. Маркетинг бу бозор бозор структурасини урганишдан

4. Экспорт ва импорт сиёсати деганда нимани тушинасиз?

Жаҳон хўжалиги миллий хўжаликдан ягона жаҳон бозорининг мавжудлиги билан фарқланади. Жаҳон бозорининг амал қилишига ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсати аҳамиятли таъсир кўрсатади

5. Монополиялар ва антимонопол сиёсат деганда нимани тушинасиз

6. Аграр муносабатлар ва аграр сиёсат

Рента муносабатлари

Агросаноат мажмуаси – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хўжалик тармоқларининг бирлиги.

Қутиладиган натижа:

Тингловчиларнинг ижодий фаолиятларини такомиллаштириш, мустақил фикрлаш қобилиятларини янада ўстириш, энг муҳими тингловчилар томонидан ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг бошка

соҳаларга таълим тизимини ривожлантириш мазмунини англаши ва давлат таълим стандартлари, унинг моҳияти, ўз фани бўйича муҳим талабларни билиши ҳамда педагогик диагностикани амалда қўллай олишни билиши.

Машгулот тури:

Ноанъанавий, савол-жавоб, кичик гуруҳларда ишлаш, ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин баён қилиш.

Таълим методи:

Ҳикоя, суҳбат, савол-жавоб услубида.

Жихозлар:

Дидактик карточкалар, тест топшириқлари, "Маъруза матни" кўргазмали куруллар".

Машгулот қоидаларини эълон қилиш ва кичик гуруҳларга ажратиш:

(3-4 дақиқа)

Аудиторияда иштирок этаётган тингловчиларни кичик гуруҳларга (ҳар бири 5-6 нафардан иборат) бўлиши.

Машгулот қоидаларини илиб қўйиш ва мазмуни билан таништириш:

1. Эркин фикр юритиш.
2. Ўз фикрини лўнда, қисқа баён этиш.
3. Ўзаро ҳурмат.
4. Бировни танқид қилмаслик.
5. Ҳушчақчақ, самимий муҳит яратиш.
6. Бошқаларни гапини бўлмаслик.
7. Фаоллик кўрсатиш.
8. Ишчан муҳит.

Ижобий натижага эришиш шартлари:

Бир тизимлилик, кетма-кетга риоя қилиш, тингловчиларни машгулотга қизиқтира олиш.

Янги мавзу мазмуни ва режаси билан таништириш: (2 дақиқа)

Янги мавзу "Эҳтиёж ресурслар. Ишлаб чиқариш . менежмент ва маркетингни ривожлантириш. Иқтисодий эркинлаштириш. Экспорт ва импорт сиёсати. Монополиялар ва антимонопол сиёсат . Аграр сиёсат

Таянч тушунчалар: " Эҳтиёж Моддий ва номоддий ишлаб Менежмент ва маркетинг Монополиялар ва антимонопол Аграр муносабатлар

Мавзу режаси билан таништириш:

1. Эҳтиёж тушунчаси
2. Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг натижалари
3. Экспорт ва импорт сиёсати .
- 4.Монополиялар ва антимонопол сиёсат .

5. Аграр муносабат

Янги мавзу баёни: (50 дақиқа)

Иқтисодиётнинг **доимий ва бош масаласи** эҳтиёжларнинг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир.

Бу масалани тўғри тушуниш учун, энг аввало, эҳтиёж нималигини, унинг турларини билиш зарурдир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, инсон яшамоғи учун, энг аввало, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, уй-рўзгор буюмлари, транспорт ҳамда иситиш ва ёритиш воситалари зарурдир. Бундан ташқари, инсон камол топтоғи учун ўқиб, билим олиши, касб ўрганиши, малака эгаллаши ва даволаниши, дам олиши, турли хизматлардан фойдаланиши ва бошқа жуда кўп ҳаётий нарсаларга эҳтиёж сезади. Инсоннинг яшаши ва камол топиши, умуман инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситаларга бўлган зарурияти иқтисодиёт назарияси фанида **эҳтиёж** деб аталади.

Барча ҳаётий эҳтиёжлар (иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий, сиёсий эҳтиёжлар) ичида ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар алоҳида ўрин тутади. Бу эҳтиёжлар кишиларнинг яшаши, меҳнат қилиши ва ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий неъматлардан ҳамда хизматлардан иборат бўлади. Шу жиҳатдан олганда ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар моддий ва маънавий эҳтиёжларни ўз ичига олади. **Моддий эҳтиёжлар**, бу аввало, кишиларнинг ўзларига фойдали бўлган моддий неъматларни харид қилиш ва фойдаланишга бўлган хоҳишларидир. Булар истеъмол учун зарур бўлган кўплаб ҳаётий предметларни (озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой) ва зеб-зийнат буюмларини (тақинчоқ, атир-упа, енгил автомобиль ва ҳ.к.) ўз ичига олади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бир неча йил олдин зеб-зийнат буюми, дабдаба бўлиб ҳисобланган нарса энди энг оддий ҳаётий зарур предметга айланиши мумкин. Хизматлар ҳам моддий неъматлар каби маълум эҳтиёжларни қондиради. Масалан, шахсий автомашинани ремонт қилдириш, соч олдириш, ҳуқуқшунос маслаҳатидан фойдаланиш каби хизматлар моддий товарлар билан бир қаторда кишиларнинг эҳтиёжларини қондиради.

Жамиятнинг моддий эҳтиёжлари корхоналар ва давлат муассасалари эҳтиёжларини ҳам ўз ичига олади. Корхоналарга ишлаб чиқариш мақсадларини амалга ошириш, яъни товарлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучи керак. Давлат, жамоа ва хусусий корхоналар, мамлакат аҳолисининг

умумий эҳтиёжларини акс эттириб, автомобиль ва темир йўллари, мактаблар, касалхоналар қурилишига хизмат қилади.

Маънавий эҳтиёжлар моддий кўринишга эга бўлмаган кишиларнинг билим ва дам олиш, маданий савиясини ошириш, малака-маҳоратга эга бўлиш, ҳар хил хизматлардан баҳраманд бўлиш каби кўплаб эҳтиёжларни ўз ичига олади. Эҳтиёжлар якка тарзда ва биргаликда қондирилиши мумкин. Бу эса эҳтиёжнинг табиатига ва уни қондирувчи объектлар хусусиятига боғлиқ. Шундай буюм ва хизмат турлари борки, улардан фақат биргаликда фойдаланиш мумкин. Масалан, таълим олиш бинолари, касалхоналардан, дам олиш жойларидан баҳраманд бўлиш, спорт ўйинлари ва кўнгилочар томошаларни биргаликда кўриш кабилар шулар жумласидандир.

Соф монополия – тармоқдаги ягона ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги, ва бинобарин, фойда олишдаги яккахукмронлик ҳолати.

Олигополия - тармоқдаги бир неча йирик ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги ҳукмронлик ҳолати.

Монополистик рақобат – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони кўп ҳамда улар ўртасида маълум даражада рақобат мавжуд бўлган, бироқ ҳар бир ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ўз товар ёки хизматининг алоҳида, махсус хусусиятлари мавжудлиги сабабли уларнинг нархи ва ишлаб чиқариш ҳажмини белгилашдаги маълум даражада ҳукмронлик ҳолати.

Монопсония – тармоқдаги ишлаб чиқарувчи ёки сотувчилар сони жуда кўп бўлиб, улар товар ёки хизматларининг ягона истеъмолчиси ёки харидори мавжуд бўлган шароитдаги яккахукмронлик ҳолати.

Табиий монополия – корхонанинг технологик хусусиятлари сабабли маҳсулотга бўлган талабни қондириш рақобат мавжуд бўлмаган шароитда самаралироқ амалга оширилувчи товар бозорининг ҳолати.

Легал (қонуний) монополия – қонуний тарзда ташкил этилувчи монополистик ҳолат.

Сунъий монополия – монопол фойда олиш мақсадида ташкил этилувчи бирлашмаларнинг шартли (табиий монополиялардан ажратиб туриш учун) номи.

Аграр соҳада ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан ер билан боғлиқ бўлади. Ерга эғалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар **аграр муносабатлар** дейилади.

Агросаноат мажмуаси (АСМ) – бу қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш билан шуғулланувчи иктисодиёт тармоқларидир. АСМ тўртта соҳани ўз ичига олади. **Биринчи соҳа** - қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари етказиб берадиган саноат тармоқлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига техника хизмати кўрсатиш билан банд бўлган тармоқлар; **иккинчи соҳа** – қишлоқ хўжалигининг ўзи; **учинчи соҳа** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмолчига етказиб беришни таъминлайдиган тармоқлар (тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, сотиш); **тўртинчи соҳа** - одамлар ҳаёти ва фаолиятининг умумий шароитларини таъминлайдиган инфратузилма (йўл-транспорт хўжалиги, алоқа, моддий-техника хизмати, маҳсулотни сақлаш тизими, омбор ва тара хўжалиги)дан иборат. Агробизнес турларидан бири **агрофирмалардир**. Улар маълум турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни пировард маҳсулот даражасигача қайта ишлашни қўшиб олиб борадиган корхоналардир.

Агрофирмалар ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам саноатга хос ресурсларни ишлатиб, истеъмолга тайёр бўлган маҳсулот яратади. Мазкур турдаги корхоналар турли мулкчиликка асосланиши, чунончи оилавий хўжалик асосида ҳам ташкил топиб, кичик заводлар билан бирикиши мумкин. Агросаноат бирлашмалари ва комбинатлари агробизнеснинг янги турларидир.

Агросаноат бирлашмалари бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва унга боғлиқ ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи бир неча хўжалик ҳамда корхоналарни бирлаштиради. Масалан, боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи хўжаликлар, улар маҳсулотини қайта ишловчи цех ва заводлар, етказиб берувчи савдо-сотиқ корхоналари бир технологик жараёнга бирлашиб агросаноат бирлашмаларини ташкил қилади. Бирлашма иштирокчилари ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий мустақилликларини сақлаб қолиши билан бирга, уларнинг умумий мулки ҳам таркиб топиб боради.

Тест саволлари

1. Иктисодий назария фанининг предмети нимани урганади?

- А) Иш кучини урганади
- Б) Халқаро муносабатларни урганади
- В) Ресурслар чекланган шароитдаги ижтимоий- иктисодий муносабатларни урганади.
- Г) Ишлаб чиқариш усулини

2. Иктисодий назария фанини урганишда қандай усуллардан фойдаланилади

- А) Тарихийлик-мантикийлик
- Б) Билиш, урганиш, таҳлил этиш
- В) Диалектик, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, мантикийлик ва тарихийлик бирлиги, эксперимент ва ҳоказо.
- Г) Назорат, тарбиявий, меъёрий.

3. Ишлаб чиқариш омиллари нималардан иборат?

- А) Моддий ва шахсий омиллар
- Б) Табиий ресурслар
- В) Хом-ашё ресурслари.
- Г) Тўғри жавоб йўқ

4. Зарурий маҳсулот нима?

- А) Жамоа аъзолари учун зарур маҳсулот
- Б) Ишчи ва хизматчиларнинг зарурий иш вақтида яратилган ва ишчи кучини меъёрий ҳолатда сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган маҳсулот
- В) Қундалик эҳтиёж маҳсулотлари
- Г) Товарлар ва хизматлар

5. Ижтимоий-иктисодий муносабатлар нима?

- А) Таксимот муносабатлари
- Б) Бу ишлаб чиқариш муносабатлари
- В) Бу кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, таксимлаш, айрбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.
- Г) Истеъмол муносабатлари

6. Мулкчилик муносабатлари деганда нимани тушунаси?

- А) Оилавий мулкка эгаллик қилишдаги муносабатлар

- Б) Мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш, ундан фойдаланиш ва узлаштириш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни
- В) Мулкни узлаштиришда вужудга келадиган муносабатларни.
- Г) Мулкни олди-сотди қилиш

7. Ўзбекистонда ер ва ер ости бойликларининг бош субъекти ким ҳисобланади?

- А) Жамоа корхоналари
- Б) Аҳоли
- В) Давлат.
- Г) Аралаш корхоналар

8. Хусусий мулкнинг асосий объектларига қуйидагилардан қайсилари қиради?

- А) Уй-рузгор буюмлари
- Б) Ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш корхоналари
- В) Таморкадан олинadиган маҳсулотлар.
- Г) Қийим-кечак, телевизор ва бошқалар

9. Ўзбекистонда қайси мулк объекти давлат тасарруфидан чиқарилмайди.

- А) Ер, сув, ер ости бойликлари
- Б) Автомобил транспорти воситалари
- В) Корхона ва хўжаликларнинг асбоб-ускуналари.
- Г) Корхонанинг асосий фойдалари

10. Пул нечта вазифани бажаради?

- А) 10 та
- Б) 4 та
- В) 6 та.
- Г) 7 та

11. Қўшимча маҳсулот нормасини нима оширади?

- А) Қичик корхоналарнинг қўпайиши
- Б) Зарурий иш вақтининг қўпайиши
- В) Қўшимча иш вақтининг қўпайиши.
- Г) Нотўғри жавоб йўқ

12. Ижтимоий шлаб чиқаришнинг моддий ашёвий омиллари.

- А) Жамгарма фондлари
- Б) Ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омиллари
- В) Ишлаб чиқариш муносабатлари
- Г) Истеъмол ва жамғарма фойдалари

13. Товар нима?

- А) Меҳнат маҳсулоти
- Б) Айрбошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот
- В) Кишиларнинг бирор-бир эҳтиёжини кондирадиган ва айрбошлаш учун яратилган маҳсулот.
- Г) А ва Б жавоб тўғри

14. Товарнинг хоссалари:

- А) Меҳнат маҳсули ва кишиларнинг эҳтиёжини кондирати?
- Б) Истеъмол қиймати ва қийматга эгадир
- В) Моддий нарса ва истеъмолга яроқлидир.
- Г) Истеъмол қийматга эга

15. Пул нима?

- А) Хамма товар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш мумкин бўлган умумий эквивалентдир
- Б) Олтин ва кумушлар
- В) Бойликнинг умумий шаклидир.
- Г) Олтин ва бойлик

16. Инфляция деганда нимани тушунаси?

- А) Пул бирлиги қадрининг ошиб бориши
- Б) Муомаладаги барча пул бирликларини
- В) Пул бирлигининг қадрсизланиши ва шунга мос равишда товар нархларининг ўсишидир.
- Г) Захирадаги пул бирликлари

17. Бозор иқтисодиёти нима?

- А) Уй хужалигини юритиш санъати
- Б) Товар ишлаб чиқариш, айрбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизим
- В) Кишилар ўртасидаги алоқа, муомала.
- Г) А ва Б жавоб тўғри

18. Бозор бу:

- А) Аҳолии савдо қиладиган махсус жой
- Б) Ракобат майдони
- В) Нотугри жавоб йук.
- Г) Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндисидир.

20. Бозор қачон вужудга келган?

- А) Товар хужалиги вужудга келиши билан
- Б) Натурал хужалик ҳукмрон бўлган даврда
- В) Бозор иқтисодиётига утиш вақтидан бошлаб.
- Г) Аҳоли савдо қиладиган жой.

21. Бозор инфратузилмаси деганда нимани тушунаси?

- А) Бозордаги талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркибан мувофиқ келишини
- Б) Бозорда мувозанат мавжудлиги ёки бузилганлиги
- В) Бозор иқтисодиёти учун хизмат курсатувчи ҳар хил соҳалар, муассасавий тузилмаларни.
- Г) Нотўғри жавоб йўқ.

22. Бозор муносабатлари тушунчаси:

- А) Уй хужалигини юритиш санъати деган маънони билдиради
- Б) Сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий алоқаларни англатади
- В) Бозор муносабатлари қоидалари асосида бошқариладиган иқтисод маъносини беради.
- Г) Иқтисодий тизим

23. Бозор мувозанати деганда нимани тушунаси?

- А) Бозордаги талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркибан бирига мувофиқ келишини
- Б) Бозорнинг таркибида амал қилувчи бугинларни
- В) Бозор иқтисодиёти учун хизмат қилувчи соҳаларни
- Г) Бозорда талаб миқдорини кўп бўлишини

24. Бозор иқтисодиёти шароитида:

- А) Нарх-наво давлат томонидан урнатилди

- Б) Нарх эркин шаклланди
- В) Нархни нарх кумитаси белгилайди.
- Г) Нархни корхона белгилайди.

25. Кимлар бозор иктисодиётининг субъектлари булиб хисобланади?

- А) Давлатнинг барча махкама-идора ташкилотлари
- Б) Фирмалар, корхоналар, хужаликлар, тадбиркорлар.
- В) Нотугри жавоб йук.
- Г) Давлат

26. Молия тизими деганда нимани тушуасиз?

- А) Молиявий муносабатларни
- Б) Молиявий муносабатлар ва уларни амалга оширишга хизмат килувчи турли даражадаги молиявий муассасалардир
- В) Давлат даромадлари ва харажатларини.

27. Кредит нима?

- А) Буш турган пул маблағларини ссуда фонди шаклида туплаш ва уларни такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун қарзга бериш
- Б) Узаро қарзга бериш шаклидаги ёрдам
- В) Давлат банки тижорат банклари учун ажратган маблағи.
- Г) Бўш турган пул маблағларини сарфлаш.

28. Банклар-

- А) Турли фондлар
- Б) Сугурта ташкилотлари
- В) Пул маблағларини туплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шугулланувчи иктисодий муассасадир.
- Г) Кредит муассасалари

Машгулотга якун ясаш ва баҳолаш:
(8 дақиқа)

Дарс мақсадини яна бир бор тингловчиларга эслатиб ўтиш ва унга қанчалик эришилганлигини улар билан биргаликда аниқлаш. Мавзу бўйича тингловчилар томонидан берилган саволларга жавоб бериш, мавзуни қай даражада ўзлаштирганликларини аниқлаш

ҳамда машғулот давомида фаол қатнашган тингловчиларнинг фамилиясини айтиш ва уларга миннатдорчилик изҳор этиш.

Дарс тугаганлигини бўлганлигини эълон қилиш

3. Мавзу: “Ўзбекистонда банк ва молия тизими. Давлат бюджети ва уни шакллантириш. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари. Даромад солиқлари”

2 соат маъруза

Ташкилий қисм 3 дақ.

Саломлашиш, ўқув хонасини кўриниши, санитария-гигиена ҳолатини кўриб чиқш, давомати аниқлаш, тингловчиларнинг машғулотга руҳан тайёр бўлиш, уларнинг диққат-эътиборини машғулотга жалб қилиш, машғулотга жалб қилиш, машғулотни белгиланган талаблар асосида ташкил этишга киришиш.

Машғулотга тайёргарлик босқичи (5 дақ.)

Тингловчиларни янги мавзуга доир масалалар бўйича савол жавоблар орқали синовдан ўтказиш. Бунинг учун тингловчиларга қуйидаги саволлари берилади:

Кутиладиган натижа:

Тингловчиларни ижодий фаолиятларини такомиллаштириш, мустақил фикрлаш қобилиятларини янада ўстириш.

Энг муҳим тингловчилар қўйилган саволларни мазмунини ва муҳим талабларни англаши, билиши ҳамда ҳозирги вақтда бозор иқтисодиётнинг ривожланишининг аҳамияти бошқа саволларга ваайниқса таълим тизимини ривожлантиришга таъсири, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш ва ҳ.к.

Машғулот тури:

Ноанъанавий, савол-жавоблар, кичик гуруҳларда ишлаш ва фикр мулоҳазаларини эркин баён этиш.

Таълим методи:

Ҳикоя, савол-жавоб, сўхбат услубида.

Жиҳозлар:

Маъруза матни, дарснинг технологик харитаси, дарс ишланмаси, мавзуга доир тестлар.

Машғулот қоидаларини эълон қилиш ва кичик гуруҳларга бўлиш. (хар бири 5-6 нафардан)

Машғулот қоидаларини қуйидагилардан иборат.

1.Эркин фикр юритиш;

2.ўзаро ҳурмат;

3. Бировни танқид қилмаслик;
4. Хушчақчақ самимий муҳит;
5. Бошқаларни гапини бўлмаслик;
6. Фаоллик кўрсатиш;
7. Ишчан муҳит;
8. Ўз фикрини лўнда, қисқа баён этиш

Ижобий натижага эришиш шартлари:

Бир тизимлик, кетма-кетга риоя қилиш, тингловчиларни машғулотга қизиқтира олиш.

Янги мавзу режаси билан танишиш (2 дақ).

Янги мавзу: “Ўзбекистонда банк ва молия тизими. Давлат бюджети ва уни шакллантириш. Солиқларнинг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари. Даромад солиқлари”.

Асосий тушунчалар: молиянинг моҳияти ва вазифалари, давлат бюджети, солиқ ва солиқ тизими, даромад солиқлари, банк тизими, марказий ва тижорат банклари.

Мавзу режаси билан таништириш:

1. Молияни моҳияти ва вазифалари, молия тизими.
2. Ўзбекистон банк тизими. Марказий ва тижорат банклар ҳамда уларнинг вазифалари.
3. Давлат бюджети ва уни шакллантириш.
4. Солиқ тизими ва унинг вазифалари. Даромад солиқлари.
5. Кредит ва инвестициялар.

Янги мавзу баёни (55 дақиқа):

Иқтисодий ривожланиш жараёнида вужудга келиб, ўзгариб турадиган турли хил ўзаро боғлиқ алоқалар пул воситасида амалга оширилади. Пул воситасида такрор ишлаб чиқаришнинг бир босқичидан бошқасига ўтилади, ҳамда маълум бир мақсадга қаратилган ижтимоий фондлар вужудга келтирилади. Бу фондлар ўз навбатида иқтисодий ривожланишнинг узлуксиз давом этишини ва унинг кенгайтиришни таъминлайди. Ялпи миллий маҳсулотни яратиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш жараёнида пул мустақил ҳаракат қилиб, турли хўжалик юритувчи бўғинлар, уй хўжаликлари ва давлатнинг пул маблағлари фондини ташкил этади. Пул фондлари ҳосил бўлиш манбалари ва амал қилиш хусусиятлари, мақсадлари ва фойдаланиш усларига қараб молия ва кредит шакллари тусини олади.

Молия муносабатлари кўп қиррали бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг муҳим соҳасини ташкил қилади.

Молия иқтисодий категория сифатида пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизими бўлиб унинг воситасида турли даражада пул маблағлари фондлари вужудга келтирилиади ва улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади.

Молия – пул маблағларининг ҳаракати, уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлардир.

Молия иқтисодиёти доирасида ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор вазифалар бажаради.

1. Молия иқтисодий жараёнларнинг, тадбирларни молиявий ресурслар билан таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради.

2. Молия тақсимловчи вазифасини бажаради. Моддий ишлаб чиқариш соҳаларда яратилган ялпи миллий маҳсулотларни, айниқса, унинг миллий даромадини ташкил қилувчи қисмини давлат мулкчилигининг турли шаклларига асосланган корхоналар, иқтисодиёт тармоқлари, моддий ишлаб чиқариш соҳалари, мамлакат ҳудудлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашда намоён бўлади. Бундай миллий даромаднинг корхона ва аҳоли даромадларидан турли хил солиқлар олиш, рента ва божхона тўловлари, акциз йиғинлари кабилар орқали давлат қўлида тўпланади.

Ўз қўлида тўпланган миллий даромаднинг катта қисмини давлат молия воситасида аҳолининг ижтимоий – маъданий эҳтиёжларига (уй-жой қурулиши, тиббий хизмат, маориф, нафақа, стипендия, ва шу кабилар), даромадлар даражасини ушлаб туришга, миллий муудоофага, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва шу кабилар сарфлайди.

3. Молиянинг рағбатлантирувчилик вазифаси, **биринчидан** яратилган маҳсулотлар қийматини тақсимлаш **жараёнида, иккинчидан**, пул фондларини ташкил қилиш ва сарфлаш механизми воситасида амалга оширилади. Иккинчи ҳолда ҳам молия ишлаб чиқариш самарадорлигига ва унинг пировард натижасига, маҳсулот сифатига сезиларли таъсир кўрсатади.

4. Молиядан ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол устидан назорат қилиш воситаси сифатида фойдаланилади. Молиявий назорат корхона (фирма)ларнинг молия интизомига риоя қилиш

учун моддий жавобгар бўлиш тизими турли солиқлар ундириб олиш ва маблағ билан таъминлаш тизими орқали амалга оширилади.

Молия тизими бу молиявий муносабатлар ва уларни амалга оширишга хизмат қилувчи турли даражадаги молиявий муассасалардир. Молия тизими корхоналар (тармоқлар) ва умумдавлат молиясини ўз ичига олади.

Корхона ва тармоқлар молияси, улардаги такрор ишлаб чиқариш жараёнида, ҳамда алоҳида фондлар яратиш йўли билан ходимларнинг ижтимоий эҳтиёжларига хизмат қилади.

Умумдавлат молияси давлат бюджетини, ижтимоий суғурта фондини ҳамда давлат мол-мулкӣ ва шахсий суғуртаси фондини ўз ичига олади. Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлиши давлат бюджети молия тизимининг асосий буғини бўлиб хизмат қилади.

II.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини таъминлашда банклар, муҳим рол ўйнайди. Банклар пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солиш билан шуғулланувчи иқтисодий муассадир.

Банклар кредит муносабатларига хизмат қилиб, кредитнинг ҳар хил шаклларини ўз ичига олиб, кредит муассасаларининг асосини ташкил қилади.

Банклар тизими одатда икки босқичли бўлиб ўз ичига:

А) Марказий (эмиссион) банк;

Б) Тижорат (дипозитли) банкларнинг отган шахобчаларини олади.

Давлат банки пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади.

Давлат банки – Марказий банк ҳисобланади. Бунинг мазмунини шундан иборатки:

1 –дан кўпчилик мамлакатларда давлат банки ягона марказий банкдан иборат бўлиб у ўтказадиган сиёсат тартиблари юқори давлат органлари томонидан ўрнатилади.

2 –дан Марказий банк тижорат банклари ва жамғарма муассасаларидан маблағларни қабул қилиб, уларга кредит беради. Хусусан, шу сабабга кўра марказий банк “Банклар банки” деб ҳам юритилади.

3 –дан Марказий банк фақат фойда олишга интилиб фаолият қилмайди, давлатнинг бутун иқтисодий ҳолатини яхшилаш сиёсатини амалга оширади ва ижтимоий сиёсатини амалга оширишга кўмаклашади.

Марказий банк кўплаб хилма хил вазифаларни бажаради.

1 – Бошқа банк муассасаларнинг мажбурий эҳтиётларини сақлайди. Бу эҳтиётлар пул таклифини бошқариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Марказий банк мамлакатнинг расмий олтин – валюта эҳтиёжларини сақлаш вазифасини ҳам бажаради.

2 –дан чекларни қайд қилиш механизмини таъминлайди ва банклар аро ҳисоб-китобларни амалга оширади. Уларга кредитлар беради.

3 – дан давлатнинг монетар сиёсатини амалга оширади.

4 –дан барча банклар фаолиятини уйғунлаштиради ва улар устидан назоратни амалга оширади.

5 –дан халқаро валюта бозорида миллий валюталарни айрбошлаш.

6 –дан пул таклифи устидан назорат қилиш масъулиятини олади, муомалага миллий валютани чиқаради (эмиссия).

Иқтисодиётнинг эҳтиёжларига мос равишда пул муомаласини тартибга солади.

Тижорат банклари ўзларининг хўжалик мавқеиغا кўра акционерлик туридаги муассасалар ҳисобланади. Ҳуқуқий мавқега кўра, фаолиятини бирон бир турига хизмат кўрсатувчи, ихтисослашган ёки миллий банк бўлиши мумкин.

Тижорат банклари саноат, савдо ва бошқа хилкорхоналарни омонат тарзда жалб этилган пул маблағлари ҳисобидан кредитлайди, корхоналар ўртасида ҳисоб китобни амалга оширади, шунингдек, воситачилик ва валюта операциялари билан шуғулланади. Тижорат банклар фаолиятининг асосий мақсади фойда чиқариб олишни кўзда тутади. Тижорат банклари даромадининг манбаи мижозларнинг банк хизмати учун тўлови ва активлардан – заём, кредит, қимматли қоғозлардан олинадиган фоиз ҳисобланади.

Ихтисослашган тижорат банклар – иқтисодиётнинг турли соҳаларида тижорат тамойилларида кредит-пул операцияларининг муайян турларини амалга оширади.

Жумладан, Саноат-курулиш банки, Замин, Ғалла, Пахта, Асака, Тадбиркор, Микрокредит, Халқ банкилари.

Ташқи иқтисодий фаолият – миллий банки экспорт-импорт операцияларни бевосита амалга оширади.

Инвестицион банклар- махсус кредит муассасалари бўлиб, облигация ҳамда қарз мажбуриятлари бошқа турларини чиқариш йўли билан узоқ муддатли ссуда капиталини жалб қилади ва уларни мижозларга тақдим қилади.

Ипотека банклари – бу кўчмас мулк ҳисобига узоқ муддатли ссуда беришга ихтисослашган кредит муассасалари ипотека банкининг ресурслари ўзларининг ипотека облигациялари ҳисобига шаклланади. Олинган корхоналарининг ссудадан уй-жой ва бошқа иншоотлар қуриш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш учун фойдаланилади.

Давлат бюджети – бу давлат харажатлари ва уларнинг молиявий қоплаш манбаларининг йиллик режасидир.

Давлат даромадлари ва харажатларининг асосий қисми давлат бюджети орқали ўтади. Унинг асосий вазифаси воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир.

Умумдавлат бюджети билан бирга ҳокимият қўйи органларининг (вилоят, туман ва шаҳар) бюджети ҳам мавжуд бўлади. Бу мавжуд молиявий ресурсларни анча тўлароқ жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш имконини беради. Ҳокимият қўйи органлари бюджетининг қўйи даромадлари, аҳолидан олинадиган солиқлар, мулк солиқлари ва шу кабилар орқали шаклланади.

Ҳокимиятнинг қўйи органларининг даромади қисман давлат бюджетидан бериладиган субсидиялар ҳисобига ҳам тўлдирилади. Ҳокимият қўйи органлари бюджет маблағлари тегишли ҳудудда таълим, соғлиқни сақлаш, ободончилик, йўл қурилиши ва шу кабиларга сарфланади.

№	Давлат бюджетининг даромадлари	% ҳисобига
1.	Тўғри солиқлар	26,3
2.	Эгри солиқлар	45,4
3	Ресурс учун тўловлар ва	10,0

	мол-мулк солиғи	
4.	Ижтимоий инфра тузилманинг ривожланишига солиқлар	1,1
5.	Бошқа солиқлар ва даромадлар	17,2

**Давлат бюджетининг жами даромадлари ЯИМ га нисбатан
28,5% ни ташкил қилган.**

№	Давлат бюджетининг харажатлари	% жамига нисбатан
1.	Ижтимоий сохага	35,1
2.	Ижтимоий ҳимояга	7,7
3.	Иқтисодиётга (халқ хўжалигига)	9,1
4.	Давлат бошқаруви	2,3
5.	Марказлашган инвестициялар	20,1
6.	Бошқа харажатлар	25,7

Жамият молия тизими ижтимоий-сиёсий ва маърифат ишлари билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасаларнинг молиясининг ҳам ўз ичига олади. Касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, ёшлар, спорт жамиятлари ва бошқа илмий-маърифий жамиятларнинг ҳам ўзига хос молияси мавжуд бўлади. Бундай ижтимоий ташкилотларнинг молиявий ресурсларининг манбаи, ташкилот аъзоларининг кириш пули ва бадаллари, тижорат фаолиятидан келган даромад, ҳомийлар ажратган ёки хайрия қилган маблағлардан иборат бўлади.

Жамият молия тизимида махсус ва хайрия фондлари ҳам алоҳида ўрин тутди. Бу фондлар турли хўжалик субъектлари ва аҳолининг пул маблағларини аниқ бир мақсад йўлида бирлаштиради ва ишлатади.

Мазкур фондларга Республикамизда амал қилиб турган “Маҳалла”, “Наврўз”, “Орол”, “Улуғбек” каби фондларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари мувозанатда бўлишини тақозо қилади. Лекин кўпчилик ҳолларда давлат бюджет харажатларининг даромадларидан ортиқчалиги кузатилади, бунинг

оқибатида бюджети тақчилиги (дефицит) тез суръатлар билан ўсади.

Бюджет тақчиллигининг ўсиши мутлоқ (ЯММ)га нисбатида аниқ намоён бўлади. 2000 йилда Республикамиз давлат бюджетининг тақчилиги ЯИМ га нисбатан 1 % ошмаган. Агар тақчиллик 3% дан кўп бўлса, натижада ташқи қарз вужудга келади.

2004 йилдан бери Ўзбекистон давлат бюджет харажатлари бюджет даромадидан кам бўлиб кузатилмоқда, яъни профицит (ЯММ) 0,5 дан – 1,0 % гача ташкил қиляпти....

II.

Солиқ тизими ва унинг вазифалари

Солиқ иқтисодий тушинча сифатида, соф даромаднинг бир қисмини бюджетга жалб қилиш шакли бўлиб, молиявий муносабатларининг таркибий қисмини ташкил қилади. Солиқ давлатнинг марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари тарафидан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар даромадларининг бир қисми мажбурий равишда бюджетга жалб қилиш шаклидир. Солиқ бозор иқтисодиёти шароитида мустақил катигория сифатида амал қилади ва молиявий муносабатларнинг таркибий қисми бўлиб, уни йиғиш давлат томонидан белгиланган тартиб ва қонунлар асосида амалга оширилади. Давлат томонидан олинадиган солиқлар ҳамда уларнинг ташкил қилиниши шакл ва усуллари биргаликда солиқ тизимини ташкил қилади.

Миллий иқтисодиётда солиқлар қуйидаги муҳим вазифаларни бажаради:

- 1) Миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш;
- 2) Давлат харажатларини молиялаштириш (фискал вазифаси);
- 3) Ижтимоий тангликни юмшатиш (ижтимоий вазифаси);
- 4) Иқтисодиётни тартибга солиш (тартибга солиш вазифаси).
- 5) - иқтисодий фаолиятни рабатлантириш.

Ҳозирги даврда умумий тенденция бўлган давлат сарфларининг ва шунга мос равишда солиқ ҳажмининг ўсиб боришни қуйидаги омиллар тақозо қилади:

- 1) Аҳолининг сонининг ўсиши. Аҳоли жон бошига давлат сарфлари даражаси ўзгармай қолган тақдирда ҳам аҳолининг ўсган қисмини ижтимоий неъматлар ва хизматлар билан таъминлаш қўшимча маблағларни зарур қилиб қўяди.

2) Ижтимоий соҳа хизматлари сифатида талабнинг ортиши ва урбанизация. Кишилар турмуш даражасини ортиши иштимоий соҳа хизматлари ҳажмига ва сифатига талабни оширади.

3) Атроф муҳитни ифлосланиши жуда кўп миқдордаги моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳаво, сув, ва ернинг ифлосланиши шаклидаги қўшимча харажатларнинг ўсишининг келтириб чиқаради. Атроф муҳитни муаммосини ҳал қилишда асосий рол давлат зиммасига тушади. Масалан, Орол муаммоси, ер мелиорацияси ва ҳ.к.

4) Даромадлар тенгсизлигини қисқартириш дастурларини амалга ошириш.

Буларга асосан ижтимоий суғуртани ривожлантириш, ишсизлик бўйича нафақалар, ижтимоий таъминот, текин медицина ёрдамлари давлат дастури, озиқ-овқатларига дотициялар, давлат уй-жой қурилиши киради.

2. Миллий мудоофа, давлат хавфсизлигини таъминлаш харажатлар ҳажмининг ўсиши.

Ҳозирги даврда давлатнинг солиқ сиёсатини Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги (вилоят, шаҳар, туман) муассасалари амалга оширади ва умумий тартиби Ўзбекистон Республикасининг Солиқ тўғрисидаги қонунлари билан аниқланади. 2008 йил январдан **янги солиқ кодекси** Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис томонидан тасдиқланиб Президентимиз томонидан ҳаётга тадбиқ қилинди.

III.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида умумий иқтисодий барқарорликка эришиш, молиявий барқарорликни таъминлаш, шу жумладан, давлат бюджетини барқарорлигини мумкин бўлган даражада ушлаб туриш вазифасини ҳам ўз ичига олади.

Шунга мувофиқ молия сиёсати Республика давлат бюджетидаги тақчилликни йўл қўйилган энг кам даража доирасида кейинчалик профицит бўлишига қаратилади. Шу сабабли мустақилликни биринчи йилларида ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тамоиллари ижобий хусусият касб этиб, бутунлай барҳам топди. Республикада ЯИМ ишлаб чиқаришнинг олдинги йиллари йилларга нисбатан пасайиши 1992 йили-11,1%, 1993 йили-2,4 %, 1994 йили-3,5 %, 1995 йили-4,0 % ни ташкил ташкил қилди ва 1996 йили-1,6 %, 1998 йили-4,4 %, 2000 йили 4,0 % ўсишга эришилди. 2005 – 2007 йилларда иқтисодий ўсиш юқори кўрсаткичларга

эришди. 2005 йилда 7%, 2007 йил 9,5 %. Республикамизда йилдан йилга ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналар зиммасига тушаётган солиқ юки камайиб бормоқда.

Фақат 2000 йилда ЯИМга нисбатан давлат бюджетига тортиладиган солиқ қариб 26%га қисқартирилди. 2007 йил ижтимоий йилда солиқ ставкалари анча пасайишга мувофиқ бўлди.

Республикамизда солиқ тизими ислоҳ қилишда унинг таркибини ўзгартириш, ресурслар, мол-мулк солиғининг ролини ошириш, жисмоний шахслардан солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий этиш вазифаси қўйилади. 2008 йил январдан янги солиқ кодекси амал қила бошланди. Табиий ресурсларни қайта тиклаш имкониятини яратиш ва улардан эҳтиёткорона фойдаланиш мақсадини амалга ошириш учун ер, ер ости бойликлари сув ва қайта тикланмайдиган бошқа ресурсларга тўлов ўрнатиш солиқ сиёсатининг навбатдаги йўналишидир.

Республика аҳамиятига эга бўлган солиқлар билан маҳаллий солиқ ўртасидаги аниқ чегарани белгилаш солиқ тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишидир. Бунда давлат бюджети даромадининг катта қисмини жойларга бериш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашга асосий этибор қаратилади.

Кредит бўш турган пул маблағларини **ссуда** фоизи шаклида тўплаш ва уларни пулга муҳтож бўлиб турган юридик ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ишлаб чиқариш ва бошқа еҳтиёжлари учун маълум муддатга фоиз тўловлари билан қайтариш шартида қарзга бериш жараёнини ифодалайди.

Пул шаклидаги капитал **ссуда капитали** дейилса , унинг ҳаракати кредитнинг мазмунини ташкил этади. Кредит ресурсларининг асосий манбалари қуйидагилардан иборат :

1. Корхоналарнинг банкдаги ҳисобларидаги амортизация ажратмалари.
2. Маҳсулот сотишдан олинган пул тушумлари
3. Корхоналарнинг ишлаб-чиқариш , фан ва техникани ривожлантириш фондлари , моддий рағбатлантириш фондлари.
4. Корхоналар фойдаси.
5. Банкдаги бюджет муассасалари , касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотларнинг жорий пул ресурслари.
6. Аҳолининг бўш пул маблағлари

Кредитнинг вазифалари:

2) Кредит қайта тақсимлаш вазифасини бажаради. Унинг ёрдамида корхоналар, давлат ва аҳолининг пул маблағлари ссуда шаклида тўпланиб, кейин бу маблағлар кредит механизми орқали халқ хўжалик тармоқлари эҳтиёжларини ҳисобга олиб қайта тақсимланади. Шу орқали кредит ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашга хизмат қилади.

3) Кредит пулга тенглаштирилган воситаларини (вексел, чек, сертификат ва ҳ.к) юзага чиқариб, уларни хўжалик амалиётига **жорий этиш вазифасини** бажаради.

4) Кредит нақд пуллар ўрнига кредит пулларни ривожлантириш ва пул муомаласини жадаллаштириш билан муомала харажатларни **тежаш вазифасини бажаради.**

5) Иқтисодий ўсишни **рағбатлантириш** вазифасини бажаради- кредит ссуда фондининг ҳаракати орқали.

6) Кредит ўз муассасалари орқали иқтисодий субъектлар фаолияти устидан назорат қилиш вазифасини бажаради.

Кредитнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1) **Тижорат кредити** – бу корхоналар, бирлашмалар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг бир-бирига берадиган кредитларидир. Тижорат кредити, аввало тўловни кечиктириш йўли билан товар шаклида берилади.

2) **Истеъмолчилик кредити**

3) **Ипотека кредити** Кўчмас мулклар (ер, бино) ҳисобига узоқ муддатли ссудалар шаклида берилади. (чиқарилган облигациялари ҳисобланади)

4) **Давлат кредити** – бунда давлат пул маблағлари қарздори аҳоли бўлиб чиқади–(давлат қарз облигациялари орқали)

5) **Халқаро кредит** – бу кредит товар ёки пул (валюта) шаклида берилади. Кредитор ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат, халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳисобланади.

б) Банк кредити-қуйидаги шакллари мавжуд:

б) қисқа муддатли-6 ой бир йилгача

с) ўрта муддатли-2-3 йилгача

д) узоқ муддат- (масалан ипотека кредити)-5 йил ва ундан ҳам кўпроқ.

Ривожлантирувчи вазифа: Мавзу мукаммал ўзлаштириш ҳамда амалиётда қўллаш.

Фойдаланилган адабиётлар

а. И.А.Каримов. "Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори". "Шарқ" нашриёти Тошкент - 1997 й.

б. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 8/И-2008 мажлисидаги маърузаси.

1. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш— энг муҳим вазифамиз. «Халк сузи», 2001 йил 15 феврал.

2. Каримов И.А. Ватан равнаки учун хар биримиз маъсулмиз. «Халк сузи» 2001 йил 17 феврал. № 37.

3. «Ижара тугрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т.; Адолат, 1992.

4. «Ташки иқтисодий фаолият тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 14 июль 1992 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т.; Адолат, 1992.

5. «Чет эл инвестициялари тугрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2 июль 1992 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т.; Адолат, 1992.

6. «Ўзбекистон пул тизими ҳақида» Ўзбекистон Республикаси қонуни 7 май 1993 йил. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т.; Адолат, 1993.

7. «Банклар ва банк фаолияти тугрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни 15 феврал 1991 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. 5-Т.; Адолат, 1993.

8. «қимматбаҳо қозғалар бозори тугрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни 3 сентябр 1993 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Сон 6-Т.; Адолат, 1993.

9. «Валютани тартибга солиш тугрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни 7 май 1993 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. Т.; Адолат, 1993.

10. «Қичик ва ҳусусий тадбирқорларни ривожлантириш ва қуллаб-қувватлаш тугрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни 21 декабрь, 1995 й. Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари. «Иқтисод ва ҳисобот», «2, 1995.

11. «Табиий моноқолиялар тугрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрель қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 16-Т.; Адолат, 1997.

12. Чет эл инвестициялари тугрисида қонун: 1998 йил 30 апрель. Ўзб.Респ. (Солиқ туловчининг қурнали 1998 й. №6).

13. Ҳужалиқ қуритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида. Ўзбекистон Республика қонуни. («Халқ сузи», 1998 й. 19 сентябрь.)

14. «Тадбирқорлик ва тадбирқорлар фаолиятининг қафолати тугрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрель қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 21-Т.; Адолат, 1999.

15. «Табиий моноқолиялар тугрисида» (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 22-Т.; Адолат, 2000.

16. «Бюджет тизими тугрисида». Ўзбекистон Республикаси қонуни. Халқ сузи.- 2000 й. 27 сентябрь.

17. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тугрисида». Ўзбекистон Республикаси қонуни. Хужалик ва ҳуқуқ - 2000. №9. 3 бет.

18. «Ташки иқтисодий фаолият тугрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Хужалик ва ҳуқуқ.- 2000 й. №10. 6 бет.

19. «Лизинг тугрисида». Ўзбекистон Республикаси қонуни «Частная собственность». 2000, №2, 7-бет.

II. Махсус адабиётлар.

39. Амбарцумов А.А. и др. Экономическая теория в вопросах и ответах. Учебное пособие. Части I-II. -М.: Соц.- полит. журн. Ассос. «Гуманитарий» 1996.

40. Андреев Б.Ф. Системный курс экономической теории. Микроэкономика - Макроэкономика, Учебное пособие, Санкт -Петербург, Лениздат, 1998.

41. Аткинсон Э.Б. Сталиц Дж.Э. Лекции по экономической теории государственного сектора: Учебник. (Пер с англ.) под ред. Л.Любимова - М.: Аспект Пресс, 1995.

42. Барисов Е.Ф. Экономическая теория. М.; «Знание» России, 1996г.

43. Базмер У., Сабо В. и др. Основы экономической теории: принцип, проблему, политика. Германский опыт и российский путь. - СПб: изд. «Питер», 2000.

44. Бартенов С.А. Экономические теории и школы. Курс лекций. -М.: изд. Бек, 1996.

45. Брагинский С.В., Певзнер Я. А., Политическая экономия: дискуссионные проблемы, пути обновления. М: Мусл, 1991.

46. Ивашковский С.Н. Экономика: Микро - и макроанализ. Учебно - практическое пособие. -М: Дело, 1999.

47. Иқтисодиёт назарияси. Т.; «Университет», 1998.

48. Камаев В.Д. Основы экономической теории. М.изд. МГТУ им. Н.Э.Баумана. 1996.

49. Чжен В.А. Пул ва молия бозорлари. Т.: 1996.

50. Шодмонов Ш. Бозор иқтисодиётига ўтишда пулнинг янги мазмуни ва роли. Бозор, пул ва кредит. Махсус нашр, 2001.

51. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Молия. 2002.

52. Шодмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д., Халикова Г.Т. Инновационные методы обучения в экономическом образовании. – Т.: “Фан”, 2003

53. Шодмонов Ш.Ш., Баубекова Г.Д. Педагогическое мастерство и инновации в преподавании экономической теории. - Т.: Янги аср авлоди. 2004.

1. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

2. www.uza.uz – Ўзбекистон Республикаси Миллий Ахборот Агентлиги расмий сайти.

3. www.ceep.uz – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.

4. www.bearingpoint.uz – USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform

5. www.economy.com – АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Economy.com, Inc. корпорацияси веб-сайти.

6. www.internetindicators.com – Иқтисодий индикаторлар Интернет веб-сайти.

7. www.economyworld.com – [Photius Coutsoukis](http://www.photius.com) and [Information Technology Associates](http://www.informationtechnologyassociates.com) (Ахборот Технологиялари Ассоциацияси) веб сайти.

8. www.economyworld.org – [Photius Coutsoukis](http://www.photius.com) and [Information Technology Associates](http://www.informationtechnologyassociates.com) (Ахборот Технологиялари Ассоциацияси) веб сайти.

9. www.md-management.ru – Официальный сайт Российской компании "Консалтинговая группа МД".
10. www.uzreport.com – SAIPRO konsalting kompaniyasiga tegishli, O'zbekiston va butun dunyodagi biznes tizim va iste'molchilarga axborot yetkazib berishga mo'ljallangan integratsiyalashgan internet loyiha.
11. www.uzsecurities.com – O'zbekiston Respublikasining Qimmatli qog'ozlar bozori haqida axborot beruvchi rasmiy sayti.
54. www.uzexport.com - O'zbekiston Respublikasi